

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАР ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Курс иши

МАВЗУ: Эшитишда нуксони булган болаларднинг сезги ва
идрок хусусиятлари

БАЖАРДИ: Орипова Зилола

ТЕКШИРДИ:

Ҳамидова М.У.

Мундарижа

Кириш Мундарижа

1. Боб. Муаммони урганишнинг илмий-назарий асослари

1.1. Муаммони олимлар томонидан урганилиш ҳолати

1.2. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг сезги ва идрок хусусиятларининг узиға ҳослиғи

2-БОБ. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг сезги ва идрок хусусиятлари

2.1. Эшитишда нуқсони бўлган болаларда талаффуз ўстида ишлашда курув сезги ва идрокининг аҳамияти

2.2. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни оғзаки нутқини идрок этишда курув ва эшитув идрокининг аҳамияти

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Юртбошимиз айтганларидек, «Келажак авлод хакида кайгуриш, соглом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Фарзандлари соглом юрт, кудратли булади, кудратли юртнинг фарзандлари соглом булади». Соглом авлодни баркамол шахс килиб шакллантириш гоятда маъсулиятли вазифа, шу билан бирга инсонпарвар сиёсат нитижасидир.

Истиклол йилларда таълим соҳаси Давлатимиз сиёсатининг устувор йуналишларида бирига айланади. Бу борада амалга оширилаётган ишлар кулами ва салмоги бунга мисолдир. Киска фурсат ичида таълим ривожини йулида кулга киритилаётган ютуқлар, кенг кулами узгаришлар замирида ҳукуматимизнинг мазкур соҳага нисбатан юксак эътибор мужассамдир, «Таълим тугрисида»ги конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» унинг мантикий давоми булган 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури хамда катор таълим соҳасига тегешли Президент фармонлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари қабул килиниб, юртимизда кенг миқёсида татбиқ этилмокда. Мамлакатимизда соглом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар хамда шарт-

шароитларни яратиш, XXI- интеллектуал кадриятлар устоворлик киладиган аср эканлигини эътиборга олган холда Ватанимиз йигит ва кизларини хар томонлама баркамол шахслар этиб шакиллантириш борасидаги кенг куламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш максадида 2010 йил Узбекистон Республикасида «Баркамол авлод йили» деб эълон килинди.

Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов тавсияларига мувофик «Баркамол авлод йили » Давлат дастури ишлаб чикилди.

Дастурда хар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш буйича кабул килинган Давлат дастурлари хамда бошка тадбирларга мувофик амалга ошириладиган чора-тадбирлани давом эттириш билан бир каторда устивор йуналишлар буйича мухим вазифаларни хал этиш назарда тутилган¹.

Психофизиологик ва психолого – педагогик адабиётларни тахлил килиш натижасида эшитишида нуксони булган хамда меёрда эшитадиган болалар огзаки нуткининг ривожланишидаги узига хос конуниятларини аниклаш имконини беради.

Болаларда эшитиш нуксонининг мавжудлиги огзаки нуткни идрок килишнинг сенсор базасини торайтиради ва

¹ Баркамол авлод йили Давлат дастури Тошкент. Узбекистон 2010 йил

огзаки нуткнинг шаклланишида айрим хусусиятларни келтириб чиқарар экан.

Шунинг учун энг аввало уларнинг эшитув идрокини ривожлантириш ишига катта эътибор берилиши зарур. Бу ишлар огзка нуткни эгаллашнинг пойдевори саналади. Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, урганилаётган масала долзарбдир.

Тадкикот максади- эшитишида нуксони булган болаларнинг сезги ва идрокини ўзига хос хусусиятларини урганишдан иборат.

Максадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

- мавзуга оид психолого педагогик адабиётларни тахлил килиш;
- эшитишида нуксони булган болалар сезги ва идрокини ривожланиш хусусиятларини урганиш;

Тадкикот объекти- эшитишида нуксони булган болалар.

Тадкикот предмети- эшитишида нуксони булган болалар сезги ва идрокини ривожланиш жараёни.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Кенгаш, Олий Мажлис қонунлари, хусусан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим хамма учун»миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳужжатлари, Президентимиз Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, таълим ва тарбия бўйича ҳукумат ҳужжатлари

Буюк Шарқ ва ғарб аждодларимизнинг алломалари, мутафаккирлари ва олимларининг ўқув, билим фаолияти, таълим-тарбия,маҳсус мактабда таълим-тарбия жараёнида

Ўқувчилар билан олиб бориладиган энг самарали иш услуб, усуллари, тамоиллари тадқиқотимизнинг методологик асосини ташкил этди.

1. Боб. Муаммони урганишнинг илмий-назарий асослари

1.1. Муаммони олимлар томонидан урганилиш ҳолати

Ма'lumki, idrok sezgi organlari asosida vujudga keladi. Har bir idrok jarayonida bir necha sezgi organi ishtirok etishi mumkin. Lekin ulardan biri eng muhim o'rinda turadi. Masalan: suratni idrok qilishda ko'rish organi, musiqa va nutqni idrok qilishda eshitish organi bosh o'rinda turadi. Idrok jarayoni qaysi sezgi organining yetakchilik o'ynashiga qarab idrokni bir necha turlarga ajratish mumkin. Masalan: ko'rish idroki, eshitish idroki, hid idroki, ta'm idroki va boshqalar. Bundan tashqari idrokning aralash turi ham mavjud bo'lib, bunda bir necha analizator birgalikda ishtirok etadi. Masalan: kinofilmni idrok qilishda kurish va eshitish sezgisi ishtirok etadi. Tevarak-atrofdagi narsa va hodisalar bir-biriga bog'liq. Ular muayyan makonda, ma'lum vaqtda sodir bo'ladilar. Shuningdek, ular bir-birlariga va idrok qiluvchiga nisbatan ma'lum munosabatda, shakl, hajm va boshqa xossalarga egadirlar. Idrokni klassifikasiya qilishda materiyaning yashash formalari, fazo, vaqt, harakat asos qilib olinadi. Shunga ko'ra idrokning quyidagi turlarga ajratiladi:

Inson paydo бўлибдiki, uni ўраб турган атроф-мухитни ўрганib борadi. Атроф мухитни ўрганish ўз-ўзидан amalga oshmaydi. Buning uchun inson

tabiatdan katta in'om sifatida olgan qator sezish a'zolaridan foydalanadi. Tabiat faqatgina insongagina soqovat etib qolmasdan, balki tabiatdagi barcha jonzotlarga ŷz ulushlarini bergan. Ammo, tabiat in'om etgan oliy darajadagi, qar qanday kishini lol qoldiradigan bunday sifatlar faqat insongagina mukammal etib ato etilgan. Tabiatdagi barcha xayvonlar kŷrish, eshitish, xid bilish, va boshqa qator mukammal yaratilgan a'zolar bilan tabiatga moslashib qayot kechiradilar. Tabiat shunday bir mujizadirki, ŷzining qar bir azosiga, ŷziga yarasha yashash uchun "qurol" ato etgan. Xayvonlarda shunday sezgi a'zolar borki, bular oldida insonning sezgilari ip echa olmaydi. Masalan, ma'lum balandlikda osmonda parvoz qilayotgan burgut kŷzlari erda qimirlab yurgan sichqon, kalamushlarni bexato ilqab oladi va ŷz emishiga aylantiradi. Ba'zi tur itlarning, parrandalarning, suvda suzib yuruvchilarning, sudralib yuruvchi xayvonlarning shunday noyob, ŷtkir sezgi a'zolari borki, bular oldida inson sezgi a'zolari juda qam sodda tuzilishga ega. Ammo, insonda nisbatan "cheklab" yaratilgan sezgi a'zolarining shunday imkoniyatlari borki, yŷlar oldida qar qanday oliy darajadagi sezgilarga ega bŷlgan xayvonlar, xayvonligicha qoladi. Inson tabiatdagi deyarli barcha bilimlarni dastlab sezgilar orqali qabul qilib oladi. Inson kŷzi, quloqi, teri-taktil, oqriq, muvozanat va boshqa turdagi sezgilari orqali asab tizimimizga ta'sir etadigan barcha ta'sirlarni qabul qiladi. Faqatgina, qabul qilib qolmasdan, balki qabul qilgan ta'sirlarni uzicha taxlil qiladi va ularga javob beradi. Ta'sir qilayotgan buyum va qolatlar ŷzining xususiyatlari, sifatlari bilan bir-birlaridan farq qiladi. Demak, inson bilimining birinchi poqonasi va sodda bilish jarayoni-sezgi ekan. Sezgi, undan keyin idrok atrof muqitni bilishning bevosita yŷlidir. Sezgisiz bizlar xech qanday narsa qaqida, xarakat turlari qaqida qech narsa bila olmaymiz. qar bir analizator uch qismdan iborat bŷlib, periferik, ŷtkazgich va markaziy qismdan iborat. Bu borada I.N. Pavlov talimotigina turli ma'lumotlar berdi. Bizlarga ma'lumki, yosh bola juda erta atrofqa qarash va kŷrishni ŷrgana boshlaydi. Eshitish qam qayotiy tajriba talab etadi. Kŷzimizni ochishimiz bilan bizni ŷrab turgan qamma

narsani kʻramiz, tovushli narsalarni esa eshitamiz. Bizningcha, chaqaloqlarda qam shunday tuyuladi. Ammo, unchalik emas. U qali chaqaloqda qimoyaviy, shartsiz refleks tarzida namoyon bʻyladi. Ba'zan bu qaqda, kʻradiyu, ammo tushunmaydi deyishadi. Bu tushuncha qam xato. Yosh bola rangni, shaklni, xajmni, tasvirni bimasdan kʻra xam olmaydi, eshita qam olmaydi. Bola kʻradi, eshitadi ammo ularni tushunib etmaydi. Bevosita kʻrish markazida farklash, ajrata bilish shakllana boshlagachgina, bola kʻrgan narsalarni farqlay oladi. Sezgi va idrok bular birinchi signal tizimining faoliyati bʻlib (keyinchalik 2 signal tizimining qam) uning asosida shartli reflekslar yotadi. Bizlarga ma'lumki, bola kam miqdordagi shartsiz reflekslar bilan tuqilib, xayot davomida shakllanib, takomillashib boradi. Normal bolalar psixologiyasi fani sezgi va idrok etish qaqida juda katta eksperimental materialga ega. Fazoni idrok etish, kʻrish, qarakat va teri analizatorlarining birgalikdagi faoliyati asosida yuzaga keladi. Vaqtni idrok etish esa, eshitish, xarakat, interotseptiv analizatorlarning birgalikdagi faoliyati natijasidir. I.M.Sechenov allaqachon xar qanday idrok etish jarayonida qisman bilish yotishini isbot etib bergan. Shartli reflekslarning kʻpayishi idrok asosida yuzaga keladi. Normal rivojlanayotgan bolalarda bu xolat juda tez amalga oshadi. I.M.Solovyov, K.I.Veretsotskaya, M.M.Nudelman, E.M.Kudryavtseva va boshqalar tomonidan turli yunalishlarda atroflicha ʻrganilgan. Xususan K.I.Veretsotskaya tomonidan aqli kap болаларнинг kʻrish idrokining torligi, yuzakiligi ʻrganilgan. Ilmiy tekshirishda normal katta yoshdagi kishilar, I sinf aqlan saqlangan bolalar va I sinf aqli zaif bolalar ishtirok etganlar.



Fazoni idrok qilish undagi narsalarning shaklini hajmini va o'zaro munosabatlarini aks ettirishdir. Demak, fazodagi narsalar uch o'lchovda idrok qilinadi, narsalarning shakli: uch burchakli, to'rt burchakli, kub kvadrat doira, konus va boshqalar. Narsalarning hajmi katta kichik, o'rtacha, yirik mayda va boshqalar. Narsalarning bir-biriga va idrok qiluvchiga munosabati: o'ngda, chapda, yuqorida, pastda, uzokda va hokazo.

Fazoni ko'rish, teri, muskul harakat organlari bilan idrok qilinadi. Fazoni bir ko'z bilan va ikki ko'z bilan idrok qilamiz. Molikulyar idrokda narsalarning chetlaridan kelayotgan gavharida bir-birini kesib o'tadi va ularning kesishgan joyida ko'rish burchagi hosil bo'ladi. Bu burchakniig katta-kichikligi idrok qilinayotgan narsaning katta-kichikligiga hamda uning ko'zdan qanchalik uzoq-yaqinligiga bog'liq. Ko'z gavharining va umuman, ko'zning narsalarni eng yaxshi ko'rish uchun moslashuvini akkomodasiya deyiladi. mInjul^chgining asosiy

shakllaridan biridir. Vaqtning «tez» yoki «sekin» o'tishni kishining vaqtga va diqqat yo'naltirilgan ob'yektga munosabatiga ham bog'liq. Masalan, biror darsning o'tilishi, kinofilmni ko'rish, avtobus yoki biror kishining kelishini kutish va hokazo. Odamlar vaqtning ob'yektiv belgilari va uning oralig'ini noto'g'ri farqlashga imkon beradigan bir narsalar oy, quyosh, yulduzlar harakatidan foydalanib kelganlar.

1.2. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг сезги ва идрок хусусиятларининг узига хослиги

Сезги – инсон сезги органларига таъсир қилувчи предмет ва ҳодисаларнинг энг содда руҳий жараёнидир. Инсон сезгиси товуш, ранг, шакл дунёси ҳақида маълумот беради. Сезгидан фарқли ўлароқ идрок предмет ва ҳодисалар яхлит образини ўзида намоён қилади.

Ҳар қандай англаш жараёни идрок этиш ва сезишдан бошланади. Бу унинг дастлабки сезги босқичидир. Лекин идрок атрофдаги олам ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Материяни биз бевосита идрок этолмайдиган хоссалари мавжуд. Ташқи оламни англаш ва акс этишнинг энг юқори формаси тафаккурдир.

Сунгги йилларда ишлаб чиқарилаётган акустик аппаратлар ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг 40%да эшитув сезгиси қолдиқлари мавжуд экан. Ушбу

эшитиш колдикларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин. 19 асрда И.И.Флери, Н.М. Лаговский каби тадқиқотчи олимлар ҳам карлар эшитиш қолдиғи мавжудлигини эътироф этадилар. Н.М.Лаговский таъкидлашича, бу эшитув қолдиғини маълум коррекцион – ривожлантирувчи ишларни ташкил кили шва олиб бориш оркали фаоллаштириш, ривожлантириш мумкин. Гартмани тадқиқотларига таяниб, Н.М. Лаговский эшитув идроки даражасига кўра бир неча гуруҳларни таснифлайди. Бу гуруҳлардан бирига кирувчи болаларда эшитув идроки маълум даражада мавжуд бўлиб, у нонутқий товушларни фарқлаш имконини беради. Бошқа болаларда эшитув идрокининг даражаси баландроқ бўлиб, у унли товуш, бўғин, сўзларни фарқлаш имконини беради.

Давомий машғулотлар машқлар жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитув идроки фаоллаштирилади. Бунда эшитув идрокининг ривожланиши анотомо-физиологик механизмининг тикланиши эвазига емас, балки эшитув идрокини фаоллаш йўли билан амалга ошади. Кар болада эшитув сезгиси ва идрокини йўқолиши сабабли кўрув сезгиси ва идроки асосий ўрин тута бошлайди. Кар боланинг кўрув анализатори атрофдаги оламни англашда асосий аҳамиятга эга бўлади. Эшитишда нуқсони бўлган болалардаги кўрув сезги ва идроки эшитувчи болалар

даражасида бўлиш Л.В.Занков, И.М.Соловев, К.И.Вересотской, тадқиқотларида далилланган. Шу сабабли эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчи бола аҳамият бермайдиган ташқи олам хусусиятлари ва нозикликларига аҳамият беради

Ривожланишда нуқсони мавжуд болалар сезгиси атроф муҳитни объектив акс эттиради ва предмет ҳамда ҳодисаларни англашнинг муҳим босқичи саналади. Кар бола идрок ва сезги асосида атрофдаги предметлар ранги, мазаси, ҳиди, шакли ҳақида маълумот олади.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар сезгиси ва идроки шаклланишининг умумий қонуниятлари билан бирга специфик хусусиятларга эга бўлади. Авваломбор, бу болаларда асосий сезги турларидан бири эшитув сезгиси мавжуд бўлмайди. Бизнинг организмимизга доимо товуш таъсиротлари таъсир кўрсатади. Ривожланаётган бола асосий билим манбаини эшитув сезгиси, идроки орқали қабул қилади. У атрофдагилар билан мулоқотга киришиб, радио, муסיқа эшитиб, кино, театрларни томоша қилиб, кўп маълумотга эга бўладилар. Кар бола бундай имкониятлардан чегараланган бўлади. Бу атрофни англаш жараёнини қийинлаштиради ва компенсацияни талаб этади.

Ўз навбатида бу кўрув, ҳаракат, ҳидлаш сезгиси ва идроки ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Қуйида биз бу сезги ва идрок турларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда эшитув сезгиси мавжуд эмас деган фикр нотўғридир. Янги окустик аппаратлар ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг 40 %да эшитув сезгиси қолдиқлари мавжудлигини кўрсатди. Улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин. XIX асрда И.И.Флери, сўнг Н.М. Лаговский ва бошқа тадқиқотчилар ҳам қарлар эшитув қолдиғи мавжудлигини эътироф этадилар. Н.М.Лаговский таъкидлашича, бу эшитув қолдиғини фаоллаштириш, ривожлантириш мумкин. Гартмани тадқиқотларига таяниб, Н.М. Лаговский эшитув идроки даражасига кўра бир неча гуруҳларни таснифлайди. Бу гуруҳлардан бирига кирувчи болаларда эшитув идроки маълум даражада мавжуд бўлиб, у нонутқий товушларни фарқлаш имконини беради. Бошқа болаларда эшитув идрокининг даражаси баландроқ бўлиб, у унли товуш, бўғин, сўзларни фарқлаш имконини беради.

Давомий машғулотлар машқлар жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитув идроки фаоллаштирилади. Бунда эшитув идрокининг ривожланиши анатомо-физиологик механизмининг тикланиши эвазига эмас, балки эшитув идрокини фаоллаш йўли билан амалга ошади.

Қар болада эшитув сезгиси ва идрокини йўқолиши сабабли кўрув сезгиси ва идроки асосий ўрин тутат бошлайди. Қар боланинг кўрув анализатори атрофдаги оламни англашда асосий аҳамиятга эга бўлади. Эшитишда нуқсони бўлган болалардаги кўрув сезги ва идроки эшитувчи болалар даражасида бўлиш Л.В.Занков, И.М. Соловьев, К.И. Вересотской, тадқиқотларида далилланган.

Хаттоки, эшитишда нуқсони бўлган болаларда кўрув сезгиси ва идроки фаоллаштирилиши ҳақида маълумот берилган. Шу сабабли эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчи бола аҳамият бермайдиган ташқи олам хусусиятлари ва нозикликларига аҳамият беради. Эшитувчи болалар карларга нисбатан яшил, сиёхранг, қизил, сабзи ранглар кўп алмаштирадилар. Эшитишда нуқсони бўлган болалар рангларни нозик фарқлайдилар. Л.В.Занков ва И.М. Соловьев таъкидлашича, эшитишда нуқсони бўлган болалар чизган расмларда, эшитувчи болалар чизган расмларга нисбатан кўп детал ва қисмларни қамраб олган бўлади. Кар ва эшитувчи болалар расмлари таққосланганда эшитувчи болалар расмларида предметларнинг муҳим қисмларини тасвирларда мавжуд эмаслиги кўринади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар расмларида бундай камчиликлар кам бўлади, лекин улар фазовий муносабатлар ифодаланган расмларни қийинчилик билан чизадилар. Л.В.Занков ва И.М.Соловьев таъкидлашича кўрув идроки жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчиларга нисбатан предметнинг қўшимча деталларига кўп аҳамият берадилар. Шу сабабли, эшитишда нуқсони бўлган болаларда идрокнинг аналитик типии синтетик типидан устун туради, деб кўрсатиш мумкин. И.М.Соловьев бу ҳолат эшитишда нуқсони бўлган болаларда эшитувчи болаларга нисбатан кўрув сезгиси устун деган хулосага олиб келмайди, деб эътироф этади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг нутқи шаклланишида кўрув идроки катта аҳамиятга эгадир. Эшитувчи бола эшитув ва кўрув сезгиси ва идрокига таяниб, гапиришни ўрганади.

Нутқи мавжуд бўлмаган эшитишда нуқсони бўлган болалар таълимнинг бошланғич босқичларида идрок этилганини умумлаштириш ва синтезлашда, таснифлашда қийинчилик сезади (Масалан: бошланғич синфдаги эшитишда нуқсони бўлган болага қизил қаламни кўрсатиб, бу нима деб савол берилганда, у қизил деб жавоб беради). Бу ранг ва предмет тушунчаси бола идрокида етарли даражада тақсимланмаганлигидан далолат беради. Бундай дифференциал ва тақсимлаш эшитишда нуқсони бўлган бола нутқ эгаллаганида, унинг нутқида предмет ва сезги маъносини ифодаловчи сўзлар унинг луғатида шаклланганида имкон туғилади.

. Эшитув сезгисини йўқотиш билан эшитишда нуқсони бўлган болаларда кўрув сезгиси фаоллашади, ўткирланади. Кўрув идрокдан ташқари, англаш жараёнида ҳидлаш ва ҳаракат сезгилари ҳам муҳим ўринга эгадир. Ҳаракат сезгилари инсон бадани, қисмлари, нутқий органлар ҳаракати ҳақида сигнал беради. Эшитув анализатори функциясини бузилишда нутқий ҳаракатлар аниқлиги, дифференциалланганлиги бузилади. И.М.Соловев ва бошқа олимлар эшитувнинг йўқолишини нафақат артикуль аппарат сезгиси, балки нафас олиш апаратининг ҳаракат сезгисига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, мимика, дактилология каби нутқ шакллари ҳаркат ва кўрув сезгилари асосида шаклланади. Тери сезгилари тактил ва температура сезгиларини қамраб олади. Улар бирлиги предмет, унинг шакли, катталигини ифодаловчи материални англаш имконини беради. Бу сезгилар рецепторлари бормоқ учларида, тил учида жойлашган бўлади. Сезгилар фаол фаолиятни талаб этади ва рецепторларни таъсирловчилар

билан контакти давомида юзага келади. Тери сезгилари, идрок бошқалар билан бирга предметни тўлиқ идрок этишга ёрдам беради. Тери сезгилари предметни кўриш орқали идрок этишни тўлдиради. Асосан предметларни ҳажми ва фазовий жойлашувида идрок этишда, предметларни ташқи қатламини сезишда тери сезгиларининг аҳамияти каттадир. У материални кўриш орқали англашга кўриш эга ўз навбатида сезишга ёрдам беради. Биз сезгиларни ўрганиш нафақат махсус психология, балки умумий психология учун ҳам катта аҳамият касб этади. Эшитишида нуқсони бўлган болаларда кўрув идроки, тери тактил ҳамда ҳаракат сезгисиларига таянган ҳолда атроф олами идрок эта олиш имконияти юқорилигини рус психологи Т.Г.Тигранова томонидан ўрганилган.

2-БОБ. Эшитишда нуқсони булган болаларднинг сезги ва идрок хусусиятлари

2.1. Эшитишда нуқсони булган болаларда талаффуз устида ишлашда курув сезгиси ва идрокининг аҳамияти

Сезгидан фарқли ўлароқ идрок предмет ва ҳодисалар яхлит образини ўзида намоён қилади. Ҳар қандай англаш жараёни идрок этиш ва сезишдан бошланади. Бу унинг дастлабки сезги босқичидир. Лекин идрок атрофдаги олам ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Материяни биз бевосита идрок этолмайдиган хоссалари мавжуд. Ташқи

оламни англаш ва акс этишнинг энг юқори формаси тафаккурдир. Ривожланишда нуқсони мавжуд болалар сезгиси атроф муҳитни объектив акс эттиради ва предмет ҳамда ҳодисаларни англашнинг муҳим босқичи саналади. Кар бола идрок ва сезги асосида атрофдаги предметларнинг ранги, мазаси, ҳиди, шакли, хажми ҳақида маълумот олади.

Эшитишда нуқсони булган болаларда талаффуз малакаларини шакллантиришда *курув идроки* ута муҳим саналади. Куриш асосида ахборотларнинг аксарият хажми узлаштирилар экан, уларни (ахборотларни, маълумотларни) лабдан укиш ҳам курув идрокига таянган холда узлаштирилади. Бу эса огзаки нутк малакаларининг шаклланишида муҳим урин эгаллайди.

Огзаки нуткни куриб идрок этиш, яъни лабдан укиш мураккаб жараён дир.

Маълумки, айрим товушлар талаффузи кузга куринмайдиган нутк аъзоларининг харакати иштирокида амалга оширилади, чунончи, юмшок танглай, хикилдок мушакларининг, диафрагма, тилнинг орка ва ён кисмларининг харакатлари кузга куринмайди.

Артикуляция аъзоларининг кузга куринадиган харакатларини ҳам купинча бир-биридан фарклаш кийин.

Масалан **б-п-м, д-т, с-з, к-ц-, ш-ж** товушлар талаффуз этилаётганда бундай хол руй беради. Одатда, кар болалар нотаниш булган сузларни лабдан укий олмайдилар. Гапириш чогида сузларга ургу бериш, керакли жойда тухталиш ва нутк охангини узгартириш каби жихатларга эътибор килинмаганда ҳам нуткни тушуниш кийин булади.

Демак, мулокот жараёнида кар болалар факат таниш булган, хеч булмаса дактил равишда узлаштирилган сузларни лабдан укишлари мумкин.

Лабдан укиш малакаларини ривожлантиришда болаларнинг умумий ва айникса нуткий ривожланиши мухим ахамият касб этиб, нуткни тушуна олиш кобилиятини белгилайди.

Шу сабабли, лабдан укишга ургатиш таниш булган, яъни аввал дактил равишда узлаштирилган материал асосида олиб борилади. Лабдан укишга болалар барча турдаги машгулотларда ҳамда кундалик мулокот жараёнида ургатилади.

Дастлабки даврда олиб бориладиган машklar бундан мустасно. Дастлабки даврда, болалар хали харфларни билмасдан туриб, уларни нуткий мулокотга йуналтириш максадида, сузларни глобал равишда фарклаш ҳамда лабдан укиш учун бир нечта сузлар берилади.

Болалар укишни бошлаши ҳамда айрим сузларни хатто дактил шаклида узлаштириши билан уларни нуткни лабдан укишни машк килдириш керак булади. Бундан аввал, катталар кетидан сузларни такроран талаффуз килиниши уни лабдан укиб билиб олишига ёрдам беради.

Болалар билан мулокотда булган кишиларнинг тугри артикуляцияси лабдан укиш жараёнини осонлаштиради.

Бунинг учун катталар томонидан бир хил артикуляция килинишига эришиш ҳамда товушларни аник ва равшан талаффуз этиш талаб этилади.

Гапираётган кишининг нутк тезлиги бироз секинлашган булиши, сузларни бурттириб талаффуз этиш, бугинлаб гапиришга йул куймаслик керак.

Махсус машklar утказиш чогида, узлаштирилган материал нормал тезликда бериладиган булса, бевосита мулокотда нутк тезлиги бироз секинрок булиб колиши, артикуляция эса равон, ифодали булиши керак.

Дастлабки даврда тарбиячи ва педагоглар кузгу ёнида тугри артикуляция машklarини бажариб туришлари лозим.

Лабдан укишга ургатиш жараёни самарали булиши учун хар кунги нутк зарядкаси машklarига куп учрайдиган нуткий материални уйин тарзида бериш тавсия этилади.

Лабдан укиш буйича дастлабки машқларни куйидагича ташкил этиш мумкин.

Болаларни педагог артикуляциясига таклид килишга ургатилгандан сунг, сузларни яхлит равишда (глобал) лабдан укишга утилади. Педагог болалар диккати узига жалб килган холда, уларнинг тугри утиришини текшириб чикади, сунг чапак чалади. Болалар унинг кетидан такрорлайди. Ундан кейин педагог бошини курсатиб, «бош» дейди ва болаларни уз харакатларини такрорлашга ундайди, худди шундай, куз, кош, огиз, кулок, тиш, тил, бурунни курсатиб сузлар талаффуз этилади, болалар таклид килиб гапиришга харакат киладилар.

Дастлабки машқлар муайян кетма-кетликда 3-4 марта хар куни бажарилади. Сузларни фарклашда кийинчиликлар юзага келган холда, педагог сузларнинг артикуляциясига болалар диккати жалб килади ва талаффуздаги фаркни ажратишга ёрдам беради. Масалан «бош» сузида «ош», «куз» сузида «уз», «кулок» сузида «уло», «бурун» сузида «уру» деган товушлар бирикмасига болаларнинг эътибори каратилади.

Бир хафтадан сунг машқлардаги сузларнинг кетма-кетлиги узгартирилади. Болалар бу сузларни лабдан укишга урганиб олганда (3-4 кундан сунг), бошка сузлар

берилади (масалан уйинчоклар). Бу мавзудаги сузлар ҳам дастлаб муайян кетма-кетликда, кейин аралаш холда лабдан укишга берилади. Шундай килиб, иккинчи боскичда болалар хар бир гуруҳдаги алохида-алохида берилган сузларни лабдан укийдилар. Бунда артикуляцияси ухшаш (тиш-тил, куз-кун, куён, мушук, машина каби) сузларни ёнма-ён бериш мақсадга мувофик эмас.

Кейинги боскичда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги сузлар аралашган холда берилиши керак.

Масалан, бошни курсат. Коптокни бер. Кулни курсат ва хоказо.

Одатда, болалар бундай сузларни глобал равишда фарклашни 15-25кун давомида урганиб олишлари мумкин. Мазкур малакаларни эгаллаши болаларнинг ёши, алохида хусусиятлари, машгулотларнинг ташкил этилишига боғлиқдир.

Лабдан укиш машқларни утказишда куйидаги коидаларга риоя этиш зарур:

1. Лабдан укиш учун берилган сузлар бир хил мавзуга оид булиши керак. (масалан бош кисмлари, уйинчоклар).
2. Бир вақтнинг узида 2-3 тадан ортик булмаган мавзулар доирасидаги сузлар берилиши керак.

3. Хар бир мавзуга оид гуруҳдаги сузлар сони 3-5 тадан ортмаслиги, талаффузи ухшаш сузларни ёнма-ён бермаслик керак.

Ёзувли карточкаларда берилган сузларни дактил ва оғзаки равишда талаффуз килиши билин ушбу сузлар лабдан укиш учун бериладиган машқларга киритилади. Дактил равишда узлаштирилган сузлар глобал равишда қабул килинган сузларга нисбатан болалар томонидан тезроқ фаркланади.

Лабдан укишга ургатиш жараёнида турли ўйинлардан фойдаланилади. Масалан, «кани курсат-чи» ўйинида, олиб боровчининг ... кани? Деган курсатмасига мувофик, болалар тегишли нарсани курсатиб бериши керак. Дастлаб топширик барча гуруҳ болаларига берилади, кейин 2-3 табола топширикни бажаради, қолганлар тугри бажараётганини кузатади.

Кейинчалик, яхшироқ гапирадиган болаларни олиб боровчи этиб тайинлаш мумкин. Ўйинга мавзу жиҳатдан бир хил сузлар берилади. Ўйинни кизиқарлироқ ўтиши ҳамда болаларда умумлаштирувчи тушунчалар ҳосил бўлиши учун, буюмлардан ташқари, тегишли ўйинчок ва расмлардан фойдаланилади.

Лабдан укиш учун расмли «лото» ўйини ҳам ўтказилади. Болалар сузларни лабдан укиб, педагог

кетидан талаффуз этадилар. Бундай сузларнинг талаффузи огизни очиб ёпиш, лабни рефлектор равишда кимирлатиш оркали суз контурини ифодалаш куринишида булиши мумкин. Алохида товушларни талаффуз килишга урганиб олгандан сунг, болаларда унли ёки ундош товушлар, бугинлар, кискарган сузлар воситасида гапира оладилар. Бундай гулдираб гапириш ҳам катталар томонидан куллаб-кувватланиб, рағбатлантирилиши керак.

Товушлар талаффузи узлаштирилгач, лабдан укиш пайтида, болаларнинг педагог кетидан сузларни аниқроқ такрорлай бошлайдилар. Бевосита мулокот чоғида дактиллаш билан бирга огзаки гапириш тавсия этилади. Аста-секин болалар жавоблари фақат огзаки нутк куринишида булиши керак.

Болалар богчасида йилдан-йилга мураккаблашиб бораётган лабдан укиш машклари олиб борилади. Мунтазам (хар куни) биринчи машгулотнинг бошидаги нутк машкларига лабдан укиш учун материал киритилади.

Лабдан укиш учун берилган материал кейинчалик фақат огзаки мулокотда кулланилишига эришиш керак. Болалар томонидан нуткий материални лабдан укишда кийинчиликлар мавжуд булганда, сузлар дактил равишда ёки ёзувли карточкаларда берилади, сунг яна огзаки

талаффуз этилади. Болаларга огзаки мурожаат этилганда гапирувчи орадаги масофа 1 метрдан кам булмаслиги, гапирувчининг юзи яхши ёритилиши ва имкон борица болалар юзининг рупарасида булиши керак.

Шундай килиб, мактабгача тарбия ёшидаги кар болаларни лабдан укишга ургатишда куйидаги коидаларга риоя этилади:

1. Лабдан укиш буйича махсус машкларни олиб боришда, таниш булган ва узлаштирилган нуткий материалдан фойдаланилади.
2. Машкларни олиб боришдан аввал, нуткни глобал идрок килиш асосида лабдан укишга йуналтириш, болаларга мурожаат этилган нуткни педагог кетидан такрорлаш малакаларини шакллантириш талаб этилади.
3. Болаларга мурожаат килганда нормал артикуляцияга риоя этиш, бироз секин суръатда гапириш зарур. Бугинлаб гапиришга йул куймаслик керак. Факатгина яхши узлаштирилган нуткий материал иштирокидаги махсус машкларда нутк тезлигини меъёрга етказиш мумкин булади.

4. Таълимнинг биринчи йилида лабдан укишга берилган топширикларни дархол бажариш одатини ривожлантириш мақсадида, топшириklar мазмуни педагог кетидан такрорлаш талаб этилмайди.

5. Агарда, мурожаат этилган нутк икки марта берилгандан сунг болалар томонидан лабдан укий олинмаса, сузлар дактилланади ёки ёзувли карточкалардан укишга берилади, кейин яна лабдан укиб олишга берилади. Бола берилган жумладаги бирор сузни лабдан укишга кийналса, жумла тулик такрорланади.

6. Оғзаки мулокот жараёнида янги суз берилса, у албатта аввал дактилланиши керак. Лабдан Укиш учун машқларда, ёки муомалада таниш сузлар билан мурожаат этганда дактиллаш керак бўлмайди.

7. Лабдан укиш учун бир хил мавзуга оид сузлар ишлатилади, мунтазам равишда нуткий материал такрорланиб туради. Мулокотда куп учрайдиган сузлар барча йиллар давомида машқларга киритилади.

8. Гапириш билан бирга дактиллаш чогида сузлаётган кишининг кули юзидан пастда, кукрак чизигида бўлиши керак.

2.2. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни оғзаки нутқини идрок этишда курув ва эшитув идрокининг ахамияти

Мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш қолдигини ривожлантириш ишида қуйидагилар ургатилади:

- овоз манбаидан мунтазам масофани оширган ҳолда нуткий ва нонуткий (думбира, доира, най, сурнай) сигналларни сезиш (кейинчалик бу иш овозларга шартли ҳаракатли реакцияларни ҳосил қилиш деб номланади);
- атрофи олам овозларини идрок этиш;
- нуткий ва нонуткий сигналларни эшитишга қура фарклаш: уйинчоклар овозини фарклаш, улар сон жиҳатдан аниклаш (нечталиги), овознинг баландлиги, жарангдорлиги, темпи, ритми, чузиклигини аниклаш;
- нуткий материални эшитишга қура фарклаш: товушлар, суз ва суз бирикмалари, жумлалар (муружаат, курсатма, илтимос), матнларни фарклаш².

Эшитув идрокини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган фронтал машғулотлар учун нуткий материал болалар томонидан осон қабул қилиниши лозим.

² Шматко Н. Д., Т.В.Пельмская. Формирование устной речи дошкольников с нарушенным слухом. «Владос» 2003.

Болалар томонидан осон эшитиб қабул қилинадиган нуткий материал - бу нонуткий овозлардир, шунингдек, нуткнинг темп ва ритм томонини эшитиб идрок этиш.

Шу боис, махсус фронтал машгулотларда *эшитув идрокини ривожлантиришга* қаратилган ишлар куйидагилар:

- нонуткий овозларни эшитиб идрок этишга ургатиш;
- нуткий ва нонуткий овозларнинг баландлиги, темпи, ритмини эшитиб идрок этишга ургатиш.

Эшитувчи бола атрофдагилар нутқини эшитув анализатори орқали қабул қилади, юзнинг ифода ҳаракатлари ва мимиқаси, имо-ишораларни англаш имконини берувчи кўриш анализатори ёрдамида маълумотини тўлдиради.

Сўзларни, гапларни бир неча такрорлаш таъсирида эшитишда нуқсони бўлган болаларда фонематик эшитувни товуш анализ ва синтезнинг юқори шакли ривожланади. Бола она тилининг фонемалари фарқлаш, айрим сўзлар, гапларнинг тушуниш, фарқлашга ўрганади. Бола илк ёшида эшитувни йўқотса, оғзаки нутқни идрок этишда кўрув анализатори муҳим ўрин тутди. Бунда тактил вибрасион, ҳаракат, ешитиш қолдиғи каби сезгилар ёрдамчи ролга ега бўлади. Ф.Ф.Рау, В.И.Белтюков томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлили кўрсатишича қар бола унга

қаратилган нутқни кўриш ёрдамида қабул қилиши, лабдан ўқишга ўргатиш мумкин. Лабдан ўқиш мураккаб руҳий жараён бўлиб, нутқий аппарат ҳаракатлари кўриш анализатори ёрдамида идрок этиш асосига қурилган бўлади. Ф.Ф.Рау эътироф этишича, лабдан ўқиш жараёнини 3 босқичда таснифлаши мумкин:

1. сўзни артикулятор таснифлаш;
2. тақлидий артикулятор образини кўриш орқали идрок этиш;
3. анланган идрок.

Булардан ташқари эшитишда нуқсони бўлган болалар лабдан ўқишининг уч тури таснифланади:

- ҳаракатли;
- кўрув;
- аралаш.

Лабдан ўқишни ҳаракатли типи оғзаки нутқи мавжуд эшитишда нуқсони бўлган болаларда учрайди. Товушни артикулятор ҳаракатини юзага келтириш учун уни талаффузини егаллаш керак. Таълимнинг бошланғич босқичида эшитишда нуқсони бўлган болалар умуман гапирмайдилар ёки кам гапирадилар. Бу босқичда бола сўзни талаффуз қилолмаса ҳам сўзнинг умумий образини кўрув орқали қабул қилади. Оғзаки нутқни егаллаш даражасига кўра эшитишда нуқсони бўлган болалар талаффузни егаллайдилар. Лабдан ўқиш жараёнида болаларда нутқий кпинестезия юзага келади. Аралаш типда лабдан ўқиш кўрув ва ҳаракат типлари билан

биргаликда амалга ошади. Лабдан ўқиш жараёни мураккаблиги бизнинг нутқимиз фонемалари талаффузда бир хил намоён бўлади. Айрим товушларни лабдан ўқиш осон бўлади. Нутқимиздаги ҳар бир товуш хос бўлиш усули, ўрни, овоз ва шовқин иштироки жарангли ва жарангсизлигига кўра ўзаро фарқ қилади. Лабдан муваффақиятли ўқиш учун гапировчининг ҳолати, ёруғлик, темп ва ҳақозолар бола нутқини ривожланишининг қўйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1. Эшитишнинг йўқотиш қар бола нутқий ривожланиши ўзига ҳослигини белгиловчи асосий омилдир.
2. Эшитишни бутунлай йўқотган ҳолатида қар бола нутқи нутқий амалиётида ривожланмайди. У фақат сурдопедагог раҳбарлигида махсус ташкил етилган таълим жараёнида ривожланади.
3. Қар бола нутқини ривожланишнинг асоси кўрув ҳаракат ва тактил вибрасион сезгилардир.
4. Қар болада нутқий амалиёти эшитувчи болага нисбатан қамбағал ва чеклангандир. Шунинг учун қар болада нутқий мулоқот тамойилига кўра нутқини ривожлантириш махсус мактабнинг бош вазифасидир.
5. Эшитувчи бола эшитишда нуқсони бўлган болаларга нисбатан нутқни эрта эгаллайди. Унда 5-6 ойлигида кейин фаол нутқ ривожланади. Қар болада бу жараён мактабга ёки боғчага боргандан сўнг амалга ошади.

6. Кар болада эшитувчи болада мавжуд бўлмаган нутқ шакллари имо-ишора нутқи, дактилология, лабдан ўқиш кабилар асосида шаклланади ва ривожланиб боради.

Хулоса

Ташқи оламни англаш ва акс этишнинг энг юқори формаси тафаккурдир. Ривожланишда нуқсони мавжуд болалар сезгиси атроф муҳитни объектив акс эттиради ва предмет ҳамда ҳодисаларни англашнинг муҳим босқичи саналади. Кар бола идрок ва сезги асосида атрофдаги предметларнинг ранги, мазаси, ҳиди, шакли, хажми ҳақида маълумот олади.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда талаффуз малакаларини шакллантиришда *курув идроки* ута муҳим саналади. Куриш асосида ахборотларнинг аксарият хажми узлаштирилар экан, уларни (ахборотларни, маълумотларни) лабдан ўқиш ҳам курув идрокига таянган холда узлаштирилади. Бу эса огзаки нутқ малакаларининг шаклланишида муҳим урин эгаллайди.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг нутқи шаклланишида кўрув идроки катта аҳамиятга эгадир. Эшитувчи бола эшитув ва кўрув сезгиси ва идрокига таяниб, гапиришни ўрганади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Тошкент, 1999.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
8. Быкова, Л.М Вишневская. Е.Е. Методика развития речи глухих школьников в младших классах. – Л., 1979
9. Боскис. Р.М. Глухие и слабослышащие дети. М., 1983 г.
10. Зыков. С.А. Методика обучения глухих детей языку. – М., 1999
11. Колтуненко, И.В. .Носкова. Л.П Обучение русскому языку а 5-7 классах школы глухих. – М., 1999
12. История, состояние и перспективы развития высшего дефектологического образования в Республике Узбекистан. Сборник посвящается 10-летию юбилею дефектологического факультета. –// Под ред Л.Р. Муминовой// Ташкент, 1996.
13. Нудельман В.А. и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 1995 г.
14. Скороходова. О.И. Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающий мир. М.: 2002 г.
15. Рубинштейн. С.А Основы общей психологии. М.: 1998 г.
16. Власова. Т.А О влиянии нарушения слуха на развитие ребенка. М., 1994
17. Рау. Ф.А Устная речь глухих. М., 2000 г.
18. Рау.Ф.А, Рау.Ф.Ф. Методика обучения глухонемых приобщению. М., 1989 г.

- 19.. Розанова.Т.В Некоторые особенности образной памяти глухонемых детей. «Специальная школа», 1998, № 1.
- 20.Слезина. Н.Ф. О временном использовании сокращенной системы фонем при первоначальном обучении глухонемых детей устной речи. М., 1999 г.
- 21.Соловьев И.М. Вопросы психологии глухонемого ребенка. –М., 1990 г.
- 22.Шиф. Ж.И. Очерки психологии усвоения русского языка глухонемыми школьниками. М., 1999.
- 23.Боскис Р.М Глухие и слабослышащие дети. М., 1993 г.
24. Нудельман В.А. и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 1995 г.
25. Власова. Т.А О влиянии нарушения слуха на развитие ребенка. М., 1994
26. Быкова, Л.М Вишневская. Е.Е. Методика развития речи глухих школьников в младших классах. – Л., 1999
27. История, состояние и перспективы развития высшего дефектологического образования в Республике Узбекистан. Сборник посвящается 10-летнему юбилею дефектологического факультета. –// Под ред Л.Р. Муминовой// Ташкент, 1996
- 28.Кузмичева Е.П. Развитие речевого слуха у глухих. М., 1993 г.
- 29.Марциновская Е.Н. Особенности овладения знаниями и умениями детьми с недостатками слуха. Л., 1992 г.
- 30.Кузмичева Е.Г. Развитие речевого слуха у глухих детей. М.: Педагогика
31. Носкова Л.П. Головниц Л.А. Методика развития речи дошкольников с нарушениями слуха. –М Владос, 2004г
32. Мастюкова Е.М. Ребёнок с отклонениями в развитии:ранняя диагностика и коррекция –М: Просвещение 1992г.

